

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



1 мартдан бошлаб Тошкент шаҳрида чиқиндиларни саралаб йиғиш тизими жорий этилади

Президентнинг 15.12.2020 йилдаги «Тошкент шаҳрида маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4925-сон қарори қабул қилинди.

Ҳужжатга мувофиқ Давлат экология қўмитаси тизимидаги «Махсустрас» ДУК ва «Чиқиндиларни қайта юклаш ва утилизация қилиш» ДК Тошкент шаҳар ҳокимлиги тизимига ўтказилади.

Соҳада давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида иш юритиш механизмлари жорий қилинади. Тошкент шаҳрида белгиланадиган тартибга мувофиқ:

➢ ДХШ лойиҳаси давлат органи ва (ёки) яқка тартибдаги тадбиркор ёхуд юридик шахс томонидан ташаббус қилинади;

➢ пойтахт ҳокимлиги давлат шериги ҳисобланади;

➢ хусусий шерик «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ аниқланади;

➢ «Махсустрас» ДУК томонидан санитар тозалаш хизматлари кўрсатилаётган ҳудуд, унинг учун ажратилган чиқинди полигонлари ва унга тегишли бўлган мол-мулк, шу жумладан махсус автотранспорт воситалари ва техникалар ДХШ объекти ҳисобланади;

➢ «Махсустрас» ДУК ҳисобидаги махсус автотранспорт воситалари ва техникалари хусусий шерикка 10 йилгача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилади ҳамда тўловлар тўлиқ тўлаб бўлингандан сўнг уларни тасарруф этиш ҳуқуқи хусусий шерикка ўтказилади;

➢ «Махсустрас» ДУКга тегишли бўлган бино ва

иншоотлар ҳамда ер майдонлари, шу жумладан чиқинди полигонлари хусусий шерикка ДХШ тўғрисидаги битим муддатига вақтинчалик фойдаланишга берилади.


2021 йил 1 мартдан бошлаб қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш тизими қуйидаги тартибда босқичма-босқич жорий этилади:

➢ I босқичда (2021 йилда) – Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланадиган маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудда чиқиндиларни «қайта ишланадиган» ва «қайта ишланмайдиган» тоифаларга ажратган ҳолда йиғиш;

➢ II босқичда (2022 йилда) – «Махсустрас» ДУК томонидан хизмат кўрсатиладиган барча ҳудудлардаги яқка тартибдаги турар жой секторидида қаттиқ маиший чиқиндиларни «қайта ишланадиган» ва «қайта ишланмайдиган» тоифаларга ажратган ҳолда йиғиш;

➢ III босқичда (2023 йилдан бошлаб) – барча туманларда чиқиндиларни «қайта ишланадиган», «қайта ишланмайдиган», «органик», «хавфли маиший чиқиндилар» ва бошқа тоифаларга ажратган ҳолда йиғиш.

Биринчи босқичда истеъмолчилар чиқиндиларни қайта ишланадиган ва қайта ишланмайдиган тоифаларга ажратилган ҳолда тўлаши учун рангли чиқинди контейнерлари ва (ёки) қайта ишланадиган пакетлар



пойтахт ҳокимлиги ва «Махсустрас» ДУК томонидан бепул таъминланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига 2021 йил 1 апрелга қадар қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш харажатларини истеъмолчиларнинг фойдаланилган электр энергияси тарифлари таркибига кириштириш механизмларини жорий қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритиш топширилди.

Шунингдек ҳужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:

➢ 2020–2022 йилларда Тошкент шаҳрида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида эришилиши таъминланадиган мақсадли кўрсаткичлар;

➢ 2021–2025 йилларда Тошкент шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни истеъмолчилардан саралаб йиғиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича «йўл харитаси»;

➢ Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Тошкент шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш» лойиҳасини жадаллаштириш бўйича «йўл харитаси».

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 16.12.2020 йилдан кучга кирди.

Эльмира Сиразиева.

Солиқларни тўлаш муддатлари қандай кечиктирилади

Вазирлар Маҳкамасининг 11.12.2020 йилдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 776-сон қарори қабул қилинди.

Қарор билан тасдиқланган Низомда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тартиби белгиланган:

➢ мол-мулк солиги;


➢ ер солиги;

➢ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиги;

➢ айланмадан олинадиган солиқ.

Низом СКнинг 100 ва 101-моддаларига мувофиқ қабул қилинган ва унда қуйидагилар назарда тутилган:

➢ солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш имкониятини бериш тартиби;



➢ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш тўғрисидаги қарор лойиҳасини тайёрлаш тартиби;

➢ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш тартиби.

Солиқларни тўлаш муддатларини кечиктириш ёки

бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти манфаатдор шахсга, башарти унинг молиявий аҳволи ушбу солиқни тўлашга имкон бермаса, бироқ кўрсатилган солиқ тўловчида бундай солиқни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун берилган муддат мобайнида тўлаш имконияти юзага келади деб тахмин қилиш учун етарли асослар (СК 100-м. 1-қ.) мавжуд бўлган тақдирда берилади.


Солиқларни тўлаш муддатларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилиши учун асослардан бири манфаатдор шахслар томонидан товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш мавсумий хусусиятга эга бўлишидир (СК 100-м. 2-қ. 5-б.). Бундан келиб чиққан ҳолда (ҳамда СКнинг 101-моддасига мувофиқ) Низом билан Мавсумий хусусиятга эга бўлган тармоқлар ва фаолият турлари рўйхати тасдиқланди:

➢ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

➢ балиқ овлash ва балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

2-бетда

Солиқларни тўлаш муддатлари қандай кечиктирилади



- қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;
- пишлоқ ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- пиво ва вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- пахта тазалаш саноати;
- ўғитлар ва азотли бирикмалар ишлаб чиқариш;
- аҳолининг дам олишини таъминлаш ва соғломлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш;
- УҚХ иссиқлик таъминоти.

Бунда корхонанинг умумий даромадларида унинг мавсумий хусусиятга эга бўлган фаолиятдан олинган даромадларининг улуши камида 50%ни ташкил қилганда солиқларни тўлаш муддатларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилади. Солиқларни тўлаш муддатларини кечиктириш ёки

бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этиш тўғрисидаги ариза ва бошқа зарур ҳужжатлар манфаатдор шахс томонидан тегишли ваколатли органга электрон шаклда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали тақдим этилади.

Солиқларни тўлаш муддатларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор манфаатдор шахсдан ариза олинган кундан эътиборан 30 кун мобайнида қабул қилинади. Қуйидагилар солиқларни тўлаш муддатларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш бўйича ваколатли органлар ҳисобланади: Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши.

Солиқларни тўлаш муддатларини кечиктириш ёки

бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ваколатли орган томонидан манфаатдор шахс ҳисобда турган жойдаги солиқ органига ҳамда манфаатдор шахсга ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни мобайнида юборилади.

Ушбу қарор қабул қилинган, Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (25.11.2019 йилдаги 951-сон) ўз кучини йўқотади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 11.12.2020 йилдан кучга кирди.

Ташқи кўмак лойиҳаларини келишиш тартиби ўзгартирилди

Вазирлар Маҳкамасининг 14.12.2020 йилдаги 777-сон қарори билан иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсати тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилди.

Лойиҳа тақлифларини ишлаб чиқиш ва келишиш, шунингдек техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом (15.11.2005 йилдаги 251-сон ВМҚ билан тасдиқланган) техник кўмаклашиш лойиҳаларини тасдиқлаш тартибига доир нормалар билан тўлдирилди. Хусусан:


- ҳар йили 31 майдан кечикмасдан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда келгуси йилда донорлар томонидан молиялаштириш назарда тутилган техник кўмаклашишнинг устувор лойиҳалари рўйхати тайёрланади ва Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишган ҳолда кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилади;
- ҳар йили 25 январдан кечикмасдан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан Ташқи

ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда жорий йилда амалга ошириш учун донорлар билан олдиндан ишлаб чиқилган лойиҳалар рўйхати тайёрланади. Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун тақдим этилади ва 10 февралгача тасдиқланади.

Шунингдек янги лойиҳа тақлифини юқорида кўрсатиб ўтилган рўйхатларга киритиш учун лойиҳа ташаббускори бўлган вазирлик ёки идора ёхуд техник кўмак олувчи лойиҳа тақлифини Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича Лойиҳа тақлифи паспортини илова қилган ҳолда тегишли вазирликка киритиши лозим.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги лойиҳа тақлифи олинган кундан кейин 10 кун муддатда Молия вазирлигига лойиҳа тақлифини кўрсатиб ўтилган рўйхатларга киритишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги лойиҳалар бўйича масъул ижрочи этиб белгиланган тақдирда, улар лойиҳа тақлифини Молия вазирлигига тақдим этади.



Зарур бўлганда, Молия вазирлиги тақдим этилган лойиҳа тақлифларини кўриб чиқиш учун лойиҳани амалга оширишнинг мўлжалланаётган соҳасига алоқадор бўлган бошқа вазирликлар ва идораларни жалб қилишга ҳақлидир.

Илгари қабул қилинган НХҲларни ушбу қарорга мувофиқлаштиришга йўналтирилган бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 14.12.2020 йилдан кучга кирди.

Автомобиль учун – электрон суғурта полиси

Вазирлар Маҳкамасининг 14.12.2020 йилдаги 780-сон қарори билан электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳужжатда электрон турдаги суғурта хизматларини (кейинги ўринларда – Е-полис) 2019 йилдан буён амал қилаётган Транспорт воситалари эгаларини мажбурий суғурта қилиш бўйича ягона ахборот тизими доирасида реализация қилиш белгиланган.

Молия вазирлигининг Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармасига 2021 йил 1 июлга қадар мажбурий суғурта қилиш, ягона ахборот тизими доирасида электрон полисларни сотиш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича ахборот модулларини суғурта компаниялари ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг маълумотлар базалари билан интеграциялашган ҳолда жорий қилиш топширилди.

Ҳужжат билан Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Е-полисни сотиш, расмийлаштириш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш қоидалари тасдиқланган, унда қуйидагилар назарда тутилган:

- мажбурий суғурта қилиш бўйича Е-полисни сотиш, ўзгартириш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби;
- суғурталанувчи ва суғурта ташкилотлари ўртасида электрон ахборот алмашуви;
- электрон турдаги мажбурий суғурта шартномаси тузилганлиги тўғрисида хабарнома;

- хабарнома мазмунига қўйиладиган талаблар.

Молия вазирлигига суғурта компаниялари билан биргаликда 2021 йил 1 мартдан бошлаб Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Е-полисни сотиш, расмийлаштиришни амалга ошириш топширилди. Е-полис қозғош шаклидаги шартномага (полисга) тенглаштирилади ва 1 йил муддатга расмийлаштирилади.

Суғурта ташкилотлари томонидан хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган ҳамда Ўзбекистон ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситалари эгалари билан электрон полисни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 14.12.2020 йилдан кучга кирди.

Пола Абдуазимова.

УШБУ СОНДА	<ul style="list-style-type: none"> ● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 1-3-бетлар 	<ul style="list-style-type: none"> – Коронавирусга қарши вакцина: бизнесми ёки жон сақлаш? 4-бет 	<ul style="list-style-type: none"> – Уйда изоляция қилиш ҳам карантин ҳисобланади – Пенсиядорни ишдан бўшатиш – иш берувчининг ҳуқуқи – 2021 йилги иш вақти бўйича ишлаб чиқариш календари 6-7-бетлар 	<ul style="list-style-type: none"> – Кабинадан чиқишингизни сўрайман – Дислокацияга мувофиқ – Хайдовчи учун сертификат – Йўллардаги камералар – Полициячиларга ҳайдовчилар томонидан маст ҳолда бошқарилган машиналарни очишга рухсат берилади 8-бет
	<ul style="list-style-type: none"> ● ҚОНУН КУЧГА КИРДИ – Фуқаролар ҳаётини турли таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган Қонун 4-бет 	<ul style="list-style-type: none"> ● ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР – Ёзма шаклдаги хабарнома бўлиши шарт – Тарафдорлар кўпчилик бўлса... – Буйруқ билан расмийлаштириш 5-бет 	<ul style="list-style-type: none"> ● АВТОНОРМА – Йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланади 	
	<ul style="list-style-type: none"> ● НУҚТАИ НАЗАР 	<ul style="list-style-type: none"> ● КАДРЛАР БЎЛИМИ – Агар ходим донор бўлса 		

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ЭРИни онлайн олиш мумкин

Вазирлар Маҳкамасининг 7.12.2020 йилдаги 773-сон қарори билан ЭРИни онлайн тарзда олиш тартиб-таомилини белгилайдиган Давлат хизматлари марказлари ёки онлайн тарзда (масофадан туриб) расмий ахборот ресурслари орқали электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига (ВМнинг 10.05.2018 йилдаги 348-сон қарори билан тасдиқланган) тузатишлар киритилди.

Энди ЭРИ калитининг сертификатини масофадан туриб олиш мумкин. Юридик шахслар учун бундай сертификатни олишда фақат уларнинг раҳбарлари мурожаат қилишлари мумкин, бошқа ходимлар эса давлат хизматлари марказига бевосита мурожаат қилишга ҳақли.

Яратилган имкониятдан ЯИДХП ёки *e-imzo.uz* маҳсус расмий ресурси орқали фойдаланиш мумкин. Бунинг учун мурожаат қилувчи томонидан қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

а) мустақил равишда электрон шаклдаги сўровнома тўлдирилади ва унга қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

➢ паспортнинг (ID-карта) асосий саҳифаси – барча реквизитлари ўқиб бўладиган сифатда бўлиши шарт;

➢ селфи усулида олинган фотосурат – юз қиёфаси тиник кўриниши лозим;

б) давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим тўлаш. Юридик шахслар банкдаги ҳисобрақамларидан тўлов ўтказишлари ёки тўлов тизими операторлари орқали нақд пулсиз шаклда банк карталари воситасида тўловларни тўлашлари мумкин. Нақд пулсиз шаклда тўлов тўлашда ҳар бир тўловнинг келиб тушиши давлат хизматлари марказининг бириктирилган ходимлари томонидан текшириб борилади ва ҳисобга олинади.

Сўнгра давлат хизматлари маркази ходими 1 ш күни ичида:

а) мурожаат қилувчининг шахсини аниқлаш учун идоралараро маълумотлар алмашиш тизими орқали;

➢ сўровномада кўрсатилган мобилъ абонент рақа-

ми мурожаат қилувчига тегишлилигини текширади;

➢ паспорти (ID-карта) асосий саҳифасининг ва селфи-фото нусхаси бўйича ҳақиқийлигини текширади;

➢ мурожаат қилувчининг СТИРи орқали ДСҚ ҳузуридаги янги технологиялар илмий-ахборот марказининг ахборот тизимидаги маълумотларни сўровномадаги маълумотлар билан солиштиради;

б) текширилган маълумотларни ўз ЭРИси билан тасдиқлайди ва уларни ДСҚ ҳузуридаги ИАМ ахборот тизимига юборади.

Сўнгра ДСҚ ҳузуридаги ИАМ тақдим этилган маълумотларни кўриб чиқади, ЭРИ калитини рўйхатга олади ва сертификатни тайёрлайди, уни реестрга киритади ва SMS-хабар шаклида ЭРИ сертификатини олинганлигини тасдиқлаш тўғрисида ахборотни жўнатади. Расмийлаштирилган ЭРИ калитининг сертификати давлат хизматлари марказига ва мурожаат қилувчига юборилади.

Бундан кейин мурожаат этувчи бир соат ичида:

➢ ЭРИ калити сертификатини ЯИДХП ёки шахсий кабинетдаги *e-imzo.uz* расмий ахборот ресурслари орқали олади ва сертификатни олганлигини тасдиқлайди;

➢ ДСҚ ҳузуридаги ИАМга ЭРИ калитининг сертификатини ва чоп этишга мўлжалланган электрон ҳуж-

жат шаклидаги нусхасини тасдиқлаган ҳолда юклаб олганлиги тўғрисида хабар юборади.

Қуйидаги ҳолатларда ЭРИ калитининг сертификатини бериш рад этилади:

➢ мурожаат қилувчининг шахси тасдиқланмаган тақдирда;

➢ мурожаат қилувчи тақдим этган сўровномада нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги – масалан, унда кўрсатилган мобилъ алоқа абонент рақами мурожаат қилувчига тегишли эмаслиги;

➢ тўлов амалга оширилмаганлиги;

➢ мурожаат қилувчи тақдим этган ҳужжатлар зарур тарзда расмийлаштирилмаганлиги.

Энг муҳим жиҳати шундан иборатки, рад этишга асос бўлган сабаблар бартараф этилгач, сўровнома-ни қайта кўриб чиқиш учун давлат хизматлари марказига бевосита (ўзи келган ҳолда) мурожаат этиш лозим.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.12.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Корхоналар фаолияти қандай баҳоланади

Вазирлар Маҳкамасининг 9.12.2020 йилдаги «Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 775-сон қарори қабул қилинди.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 79-моддасига мувофиқ жамиятнинг директорига, бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиши маълумот учун қабул қилинди.

Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) қаторида қўшимча кўрсаткичлар жорий этилди.

Қарорда қуйидагилар назарда тутилган:

➢ ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги натижалари Агентлик сайтыда жойлаштирилмаган ёки уларнинг фаолияти қониқарсиз ёхуд паст даражада деб эътироф этилган тақдирда, ижро этувчи орган аъзолари рағбатлантирилишига йўл қўйилмайди;

➢ давлат иштирокидаги корхоналар, шу жумладан тижорат банклари ижро этувчи органининг йил якунлари бўйича фаолияти самарадорлиги юқори баҳоланган тақдирда, уларнинг раҳбарларига олинган соф фойданинг 5%игача бўлган миқдорда бир йўла тўланадиган мукофот берилиши мумкин;

➢ молиявий ҳисоботни шакллантириш ва топши-

риш муддатидан қатъи назар, давлат иштирокидаги корхоналар ҳар чорақда СМК бажарилишини ҳисоблайди ва эълон қилади.

Маъмур баҳолаш тизими корхоналар самарадорлигининг қуйидаги асосий кўрсаткичларини ўз ичига олади:

- соф тушум прогнози;
- соф фойда прогнози;
- таннархни пасайтириш;
- маҳаллийлаштириш;
- хорижий валютага боғлиқ эмаслиги;
- инвестиция дастури;
- экспорт;
- ишлаб чиқариш қувватларининг юкланиш даражаси;
- энергия самарадорлиги.

Баҳолаш мақсади учун ҳар бир СМКга унинг ташкилот учун аҳамиятини акс эттирувчи салмоқ ўлчови белгиланади.

Давлат активларини бошқариш агентлигига қуйидаги вазифалар топширилди:

а) Энергетика вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда энергия сизими ва энергия самарадорлигига оид бошқа индикаторларни ишлаб чиқиш, уларни ҳисоблаш қоидалари ва норматив кўрсаткичларини тасдиқлаш;

б) ДСҚ, Давлат статистика қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда:

➢ бир ой муддатда давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг тизимидаги юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни Агентликнинг «Давлат мулки» ахборот тизимига киритиш ишларини якунига етказиш;

➢ икки ой муддатда давлат иштирокидаги корхоналар учун уларнинг фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларига оид маълумотлар онлайн тарзда «Давлат мулки» ахборот тизимига киритилишини назарда тутувчи дастурий таъминот ишлаб чиқишлигини таъминлаш.

Шу билан бирга:

➢ 2021 йил 1 февралга қадар давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги улушини, уларни ЯИМ, экспорт ҳажмлари, асосий капиталга инвестициялар шаклланиши, ишлаб чиқаришдаги ва аҳоли бандлигидаги улушларини ҳисоблаш тизими йўлга қўйилади;

➢ 2021 йил 1 мартга қадар давлат иштирокидаги корхоналар томонидан илғор халқаро тажриба ва стандартлар асосида корхона фаолияти давомийлигини (business continuity) таъминлашга қаратилган ҳужжатлар ва кўрсаткичлар ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 9.12.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

Фуқаролар ҳаётини турли таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган Қонун

Олий Мажлис Сенати томонидан шу йил 24 мартда маъқулланган «Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун давлатимиз раҳбари томонидан 30 ноябрда имзоланди ва 1 декабрдан кучга кирди.

Айтиш жоизки, бугунги тезкор, глобаллашаётган замонда янгидан-янги технологиялар, ахборотлар ҳаётимизга изчиллик билан кириб келмоқда. Мазкур жараёнларни қонун билан тартибга солиш мақсадга мувофиқ. Зеро, ахборот технологияларидан тартибсиз фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, соғлиғи ва ҳаёт ҳаётига турли таҳдидлар юзага келишига, тажовузларга сабаб бўлиши мумкин. Шу маънода янги Қонуннинг аҳамияти беқийс. Қонун Ўзбекистон Республикасининг икки қонуни ва бир кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи 5 моддadan иборат.

Жумладан, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунга киритилган қўшимчаларга мувофиқ, Миллий гвардия томонидан республика ҳудудидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда тезкор-қидирув тадбирларининг қуйидагилардан иборат янги турлари жорий этилди:

➤ техник воситалар, жумладан, компьютерларни ва алоқа қурилмаларини текшириш, телекоммуникация қурилмалари орқали амалга ошириладиган сўзлашувларни, хабарлар ва маълумотлар узатилишини назорат қилиш – телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали амалга ошириладиган ёки узатиладиган сўзлашувларни, матнли, график ахборотни ношкора тутиб қолишдан иборат бўлган тадбирлар амалга оширилади;

➤ абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш – абонентлар ёки абонент қурилмалари (фойдаланиладиган асбоб-ускуна) ўртасидаги боғланишлар санаси, вақти, муддатини ва боғланишлар ҳақидаги бошқа маълумотларни ношкора олишдан иборат бўлган тадбирни амалга ошириши мумкин.

Тезкор-қидирув тадбирларининг янги турлари жорий этилиши муносабати билан «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунга ҳам ўзгартиш киритилди. Эндилкида прокурорнинг розилиги билан адвокатнинг телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали амалга ошириладиган сўзлашувлари, узатиладиган хабарлари ва маълумотларини назорат қилиш белгиланди.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексга қуйидаги нормалар киритилган:

➤ далил-исботлар, шунингдек, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали амалга ошириладиган сўзлашувлар, узатиладиган хабарлар ва маълумотларни назорат қилишга, уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи ҳамда абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланиш тўғрисидаги маълумотларни олишга йўналтирилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга, шунингдек, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига прокурор ружаст бериши керак.

➤ телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали амалга ошириладиган сўзлашувлар, узатиладиган хабарлар ва маълумотларни назорат қилиш, унинг асослари, тартиби, уни ўтказиш баённомасини тузиш, телекоммуникация қурилмалари орқали амалга ошириладиган сўзлашувлар, узатиладиган хабарлар ва маълумотларни назорат қилишга, уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи ҳамда абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланиш тўғрисидаги маълумотларни олишга йўналтирилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга, шунингдек, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига прокурор ружаст бериши керак.

Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратилишини талаб қилмайди.

Қонун хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига ҳамда қонунчилик техникаси қоидаларига мос келади.

Ботир Матмуратов,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.
ЎЗА.

НУҚТАИ НАЗАР

Коронавирусга қарши вакцина бизнесми ёки жон сақлаш?

Коронавирусга қарши вакцина намуналари синаш ва ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганиш учун Россиядан мамлакатимизга олиб келиниши ҳақидаги ахборот ижтимоий тармоқларда қизгин муҳокама қилинмоқда.

Фикрлар хилма-хил... Кимдир буни хушхабар, деб қабул қилса, кимдир кескин қаршилик қилмоқда, эхтирослар-у манзилли-манзилсиз ҳақоратлар охиб-тошиб кетган...

Бу ҳол, фикримизча, бизда ахборот соҳаси носоғломлигидан дарак беради. Чунки вакцина масаласи ҳар ким фикр билдира оладиган мавзу эмас. Бу ҳақда олимлар, соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари, мутасадди органлар вакиллари кенг оммага ахборот бериши лозим.

Тўғри, исталган оммавий ахборот воситаси орқали исталган ахборотни қонун-қоидалар доирасида тарқатиш мумкин – сўз эркинлиги бунга имкон беради. Аммо, бутун инсониятнинг бошига тушган бало ҳақида ахборот тарқатганда, албатта тегишли соҳа мутахассислари, мутасаддиларнинг шарҳи, ахборотнинг ишончли манбасига таяниш керак.

Айни пайтда эса «қайноқ» ахборотни тезроқ бериб, ўз рейтингини ошириш илминда айрим ОАВлар одамларни чалғитадиган, носоғлом кайфият, но-конструктив баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган ахборотни тарқатаётлар.

Хусусан, шундай бир ахборотда ёзилишича, Россия тўғридан-тўғри инвестиция фонди (РДИФ) ва мамлакатимиздаги хусусий фармацевтика компанияларидан бири 35 миллион дозгача вакцина етказиб беришга келишиб олганлар.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу маълумотни рад этиб, РДИФга атиги 5 000 та «Спутник В» вакцинаси учун сўров юборганини маълум қилди. РДИФ сайт мухбирига ушбу шартномалар Ўзбекистондаги ху-

сусий компания билан тузилганлигини ва фонд хабарига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг иштироки ҳақида сўз юритилмаганлигини билдирди... Вакцина ташқи бозорларга етказиб берилганда иккита дозасининг нархи камда 10 долларни ташкил қилар экан.

Бу маълумотни аниқ деб бўлмайди, лекин, уни оддий фуқаролар ҳар хил тушуниши аниқ! Вазирлик вакили 5 минг доза ҳақида айтган бўлса, фармацевтика компанияси 35 миллион дозга келишиб олгани ҳақида гапиришдан қандай мантиқ бор?


Ҳали қўлланиши расман эълон қилинмаган, импорт қилиниши охиригача келишилмаган вакцинанинг нархи камда 10 АҚШ доллари бўлади, дегани нимани англатади?

11, 15, 50 доллар ҳам бўлиши мумкин-ку... Нимага 34 миллионлик аҳолимиз учун деярли ярим йил ичда 35 миллион доза вакцина ҳақида келишадилар... Хуллас, бундай ахборотни қанча «ҳазм» қилишга ҳаракат қилсак, жавоблардан кўра саволлар кўпроқ туғилади.

Бир нечта мамлакат коронавирусга қарши вакцина ишлаб чиқиб, уни қўлай бошлаганини ОАВлардан биламиз. Ҳали кўп нарса аниқ эмас. Вакцина синови кўп босқичли жараён бўлиб, бир неча ой давом этиши мумкин, демоқда мутахассислар.

«А» мамлакат вакцинаси яхшими ёки «Б» мамлакатникими – буни яқин ойларда амалиёт кўрсатади, хулосани эса мамлакат аҳолиси соғлигини сақлаш тизимига маъсул орган – Соғлиқни сақлаш вазирлиги чиқариб, эълон қилиши лозим.

Фикримизча, хусусий компаниялар вакцинани мамлакатимизга импорт



қилиб, кейинчалик хусусий тиббиёт компаниялари вакцинациялаш билан шуғулланишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Бу қатъий равишда фақат давлат ташкилотлари шуғулланиши керак бўлган иш – бизнес эмас!

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хусусий тиббиётни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Аммо, бунга тўлиқ маънода соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий бизнес – тадбиркорликни ривожлантириш сифатида қарамаслик лозим деб ўйлайман.

Биринчидан, хусусий тиббиёт субъектлари солиқлардан озод этилган. **Иккинчидан**, хусусий тиббиёт субъектларининг солиқлардан озод этилиши тўғрисида олишган даромадлари ҳисобидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатиш мажбурияти белгиланган.

Учинчидан, давлат-хусусий шерикчилик усулида давлатимиз ушбу ташкилотларга анчайин кўмак беради. **Тўртинчидан**, қонунчиликка мувофиқ, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида аҳолига шошилчи ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам бепул кўрсатилиши лозим.

Бешинчидан, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда тиббий сўғурта соҳасини кенгайтириш вазифалари ҳам белгиланди, яқинда Президентимиз Фармони билан Давлат тиббий сўғуртаси жағғармаси ташкил этилди.

Бу қонунчилик нормалари, қоидалар ва қарорлардан нодавлат тиббий хизмати (de jure) «хусусий» деб ном олганга қарамасдан, амалда (de facto)

нодавлат нотижорат бўлиши кераклиги келиб чиқади.

Бинобарин, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунимизнинг тадбиркорликни «даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият» сифатида таърифлайдиган 3-моддаси нормасини тўлиқ маънода соғлиқни сақлаш соҳасига нисбатан қўллаб бўлмайди. Ақс ҳолда, бизнес-медицина одамлар кўпроқ касалланишдан моддий манфаатдор бўлиб чиқади.

Пандемия даврида «МСКТ» текширувлари нархи ошиб кетди, сўнгги ўн йилликларда юртимизда хусусий дорихоналар ҳуддан зиёд кўпайиб кетди – давлат улашига эга «Дори-Дармон» компанияси ҳам 2018–2019 йилларда 104 млрд сўм зарар кўрган бўлса, жорий йилнинг 9 ойда 30,7 млрд сўм фойда олган – бу каби фактлар коронавирус балоси сабоқларини ҳисобга олганда соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилигимиз ва амалиётимиз қандай йўналишда ривожланиши лозимлигини яққол кўрсатиб турибди.

Яъни реал иқтисодийётда тадбиркорликни ривожлантириш асосида ижтимоий соҳани тутиб туриш учун молиявий база яратиш, тиббий хизматлар давлат ёки сўғурта фондрлари орқали молиялаштириладиган нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан кўрсатилиши амалиётини кенгайтириш мақсадга мувофиқ кўринади.

Хуллас, жон сақлашда бизнес қилиб бўлмайди.

Фарҳод Курбонбоев,
иқтисод фанлари номзоди.

Ўзма шаклдаги хабарнома бўлиши шарт

МЧЖ муассислари бир йил мобайнида ўз устав фондиди шакллантирмаган. Бунда муассислардан бири (юридик шахс) муассислар таркибидан чиқмоқчи бўляпти. Муассислар таркибидан чиқмоқчи бўлган, улуши шакллантирилмаган юридик шахс қандай ҳаракатларни амалга ошириши лозим?

– Жамият иштирокчилари жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар исталган вақтда жамиятдан чиқишга ҳақлидирлар («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 8-м. 1-қ. 6-хатбошиси). МЧЖ таркибидан чиқиш учун сиз жамият устави ва таъсис шартномаси қоидаларига амал қилишингиз лозим, уларда МЧЖдан иштирокчининг чиқиш кетиши шартлари ва тартиби кўрсатилган бўлади.

Жамиятни таъсис этиш чоғида жамиятнинг устав фондига ўз ҳиссасини ўз муддатида тўлиқ миқдорда қўшмаган жамият иштирокчисининг улуши жамиятга ўтади. Бунда иштирокчига улушнинг у қўшган ҳиссанинг қисмига мутаносиб равишдаги қисмининг ҳақиқий қийматини жамият тўлаши ёки жамият иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида беришга мажбур (Қонуннинг 22-м. 3-қ.).

Жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиш кетган жамият иштирокчисининг улуши МЧЖга ўтади. Бунда жамият жамиятдан чиқарилган ёки чиқиш кетган иштирокчига улушининг чиқарилиш ёки чиқиш кетиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши шарт (Қонуннинг 22-м. 5-қ.).

МЧЖга қарашли улуш у жамиятга ўтган кундан эътиборан 1 йил ичида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан жамиятнинг

барча иштирокчилари ўртасида уларнинг улушларига мутаносиб равишда тақсимланиши ёхуд жамиятнинг барча ёки, агар бу жамиятнинг уставда тақиқланган бўлмаса, учинчи шахсларга сотилиши ҳамда тўлиқ тўланиши керак. Улушнинг тақсимланмаган ёки сотилмаган қисмининг ҳақи устав фондиди тегишлича камайтирган ҳолда тўланиши керак (Қонуннинг 23-м. 2-қ.).

Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар жамият иштирокчилари улушларининг ҳақини тўлаш ақунларини тасдиқлаш ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида Давлат хизматлари марказига тақдим этилиши шарт (Қонуннинг 23-м. 3-қ.).

Жамият бир йил ичида устав фондиди тўлиқ шакллантирмаган тақдирда, у ўзининг устав фондиди камайтириши ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак (Қонуннинг 19-м. 3-қ.).

Шу тариқа, улуши шакллантирилмаган иштирокчилардан бири чиқиш кетмоқчи бўлганда, бу ҳақда жамиятни ўзма шаклда хабардор қилиши лозим. Сўнгра иштирокчилар йиғилишининг баённомаси билан шакллантирилмаган улуш кейинчалик ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказган ҳолда жамиятга ўтиши тасдиқланади.

Умид Файзиев,
«Norma» МЧЖ эксперти.



Тарафдорлар кўпчилик бўлса...

«А» юридик шахсини «Б» юридик шахсига қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш учун қандай юридик ҳаракатларни амалга ошириш лозим?

«А» юридик шахсининг муассислари таркибидан чет эл фуқароси бўлса, унинг розилиги талаб этиладими?

– Юридик шахсни қайта ташкил этиш муассисларнинг қарорига биноан амалга оширилади. Ҳар бир МЧЖда қўшиб юбориш тўғрисидаги қарор, қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномани, топшириш далолатномаси ҳамда қўшиб юбориш натижасида ташкил этиладиган МЧЖ уставини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамиятни қўшиб юбориш тўғрисидаги қарор, агар уставда кўпроқ овозлар сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса, жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг кўпчилиги овозлари билан қабул қилинади (ФК. 49-м. 1-қ.; «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 30-м. 2-қ. 13-хатбошиси, 34-м. 10-қ., 50-м. 2-қ.).

Шу тариқа, жамиятнинг барча иштирокчилари, шу жумладан чет эл фуқароси ҳам белгиланган қоидаларга кўра, кун тартибига жамиятни қўшиб юбориш тўғрисидаги масала қўйилган муассисларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабардор қилиниши шарт (Қонуннинг 33-м.). Жамиятни қўшиб юбориш тўғрисидаги қарор, агар уставда қарорлар иштирокчиларнинг 3/4 қисмининг овози билан ёки бир овоздан қабул қилиниши назарда тутилган бўлса, кўпчилик овозлари билан қабул қилинади. Мазкур ҳолатда чет эл фуқаросининг овози ҳам ҳисобга олинади.

Наргиза Воҳидова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Буйруқ билан расмийлаштиринг

Ходимлар ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун бошқа корхонага юбориляпти. Иккала корхона ҳам битта шаҳарда жойлашган. Миждоз корхона билан шартномавий муносабатлар муддати 8 ойни ташкил этади.

Бошқа корхонага ишларни бажариш учун ходимларни юборишни қандай тўғри расмийлаштириш лозим?

– Иш вақтини ҳисобга олиш тартиби корхона томонидан белгиланади. Қоидага кўра, иш вақтини ҳисобга олиш табели ана шундай ҳужжат ҳисобланади. Айрим корхоналарда ҳисобга олиш учун ходимларнинг ишга келиш ва кетиши қайд этиладиган кириш қисмидаги турникетлардан олинган маълумотлар асос қилиб олинади. Бундай корхоналарда ходимлар иш берувчининг ҳудудидан ташқарига бирор-бир ишларни бажаришга юборилган

ҳолатларда иш вақти ҳисобини қабул қилинган локал ҳужжатларига асосан юриштиш мумкин. Масалан, наряд-буйрутмалар ёзиб берилса, унда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади: юборилаётган ходимларнинг Ф.И.О., ишлар қаерда ва қачон амалга оширилиши ва ўтказиладиган муддатлари.

Шунингдек раҳбарнинг буйруғини (фармойишини) қуйидагича расмийлаштириш мумкин:

«Ишларни бажаришга (хизматлар кўрсатишга) юбориш тўғрисида»

БУЙРУҚ

Буйрутмачи _____ МЧЖ билан тузилган _____

(ишлар ёки хизматлар номи)

бўйича ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) шартномасига мувофиқ

БУЮРАМАН:


1. Ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун Буйрутмачига қуйидаги ходимлар юборилсин: _____ Ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) муддати: 2020 йил _____ дан _____ гача.

2. Бухгалтерия ва кадрлар бўлими томонидан иш вақтини ҳисобга олишда ва иш ҳақини ҳисоблашда юқорида номлари келтирилган ходимларнинг Буйрутмачи ҳудудидан бўлиш муддати иш кунлари сифатида ҳисобга олинсин.

Директор _____

Нарядлар ва (ёки) буйруқлар бухгалтерия учун иш ҳақини ҳисоблаш бўйича бошланғич ҳужжатлар ҳисобланади.

Нурали Нурмухамедов, «Norma» МЧЖ эксперти.





Агар ходим донор бўлса

Ходим ҳеч кимни огоҳлантirmасдан ишга чиқмади. Бир кундан кейин пайдо бўлиб, донор қонини топширганани айтди. Ходим бу ҳақда иш берувчини олдиндан хабардор қилиши шартми? Қандай тасдиқловчи ҳужжатни келтириши даркор?

Вазиятни «Норма» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти Ленера Хикматова тушунтирди:

— Куйиш учун қон топшириш ходим томонидан жамият манфаатлари йўлида қилинадиган ҳаракатларга киради (Қоидаларнинг 2-б., 11.03.1997 йилдаги 133-сон ВМҚга 5-илова).

Қон топширишдан олдин ходим тиббий текширувдан ўтиши шарт. Тиббий текширувдан ўтадиган кун (қон топширадиган кун сингари) **ходимларга соғлиқни сақлаш муассасаларига боришларига иш берувчи монеликсиз рухсат бериши шарт.**

Донорлик қилувчи ходимларга ҳар сафар қон топширган куннинг албатта эртасига дам олиш учун бир кун берилади, ходимнинг хоҳишига кўра бу кун таътилга қўшиб бериш мумкин.

Текширувдан ўтадиган ва куйиш учун қон топширадиган кун ишдан озод этилган давр учун, шунингдек

дам олиш кунлари ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади (МК 167-м.).

Тиббий текширув дастури ва қонни лаборатор текширувларини ўтказиш анча кенг ва бир неча босқични ўз ичига олади. Шу боис тиббий текширувдан ўтиш ва қон топшириш бир кун билан чекланмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, тиббий текширув ва лаборатор текширувлар ўтказиш натижалари бўйича айрим ҳолларда шахсни қон топширишдан вақтинча четлатишлари мумкин. Масалан, алкоғоль қабул қилганда — 48 соатга. Шунингдек, шахсни мутлак қаршилиқ қилувчи кўрсатмалар мавжуд бўлганда қон топширишга бутунлай қўймастлар мумкин (мисол учун, онкологик касалликлар) (Рўйхат, Низомга 2-илова, АВ рақами 2556, 15.01.2014 й.).

Ҳар қандай ҳолда тиббиёт муассасида куйиш учун қон топшириш мақсадида бўлиш ҳолатини ходим тегишли ҳужжатлар билан тасдиқлаши керак.

Уйда изоляция қилиш ҳам карантин ҳисобланади

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаларида кўрсатилган «Covid-19» билан касалланганда карантин марказларида эмас, балки тиббиёт муассасаларида амбулатор ёки стационар даволашида бўлган ҳолатлар «карантин» формулировкасига киритиладими?

— Ҳа, тиббиёт муассасаларида ва уй шароитларида карантин остида бўлган шахслар карантинга жойлаштирилган ҳисобланади.

Президентнинг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида (19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон) мувофиқ Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (АВ томонидан 17.04.2015 йилда 2667-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тегишли ўзгартиришлар киритилган. Уларга мувофиқ:

➢ паразитар касалликлар билан зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан **тиббиёт муассасасида** карантинга олинган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига тегишли даволаш-профилактика муассасаси томонидан берилади;

➢ юқумли, паразитар касалликлар билан зарарланиши ёки зарарланган

деб гумон қилиниши муносабати билан вақтинчалик карантинда сақлашга мослаштирилган мажмуада карантинга олинган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига худудий ва туман (шаҳар) эпидемиологик осойишталик марказлари эпидемиолог ёки санитар врач томонидан берилади;

➢ **уй шароитида** карантинга олинган шахсларга ҳамда карантинга олинган шахсларнинг 14 ёшга бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига уларнинг яшаш жойидаги поликлиника томонидан берилади (Йўриқноманинг 46-б.).

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда нафақат карантин мажмуаларига (марказларига), балки тиббиёт муассасаларида, шунингдек уй шароитида олинган шахслар ҳам карантинга жойлаштирилган ҳисобланади.

Нурали Нурмухамедов,
«Норма» МЧЖ эксперти.

Пенсионерни ишдан бўшатиш — иш берувчининг ҳуқуқи

Иш берувчи пенсия ёшидаги ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга қарор қилди. 1,5 йил олдин ишга қабул қилинганда ходим 61 ёшда бўлиб, пенсия олар эди.

Иш берувчи томонидан бўлгуси пенсионер ишга қабул қилинганда, мазкур ходим билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши қонунийми?

— Ҳа, қонуний.

МКнинг 100-моддаси 2-қисми 7-банди талабларининг мазмунидан келиб чиқадиган бўлса, ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлганлиги туфайли ходим билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ушбу ҳолат юз берганидан кейин чекланган муддатлар кўрсатилмаган ҳолда иш берувчининг ҳуқуқи ҳисобланади. Шунингдек пенсия ёшига жорий иш жойида ёки у ерга ишга қабул қилинганга қадар тўлганлиги муҳим эмас.

Ушбу асос бўйича меҳнат шартномасининг бекор қилинишига куйидаги 2 та шартга риоя этилганда йўл қўйилади:

➢ пенсия ёшига тўлганлиги;
➢ ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқининг мавжудлиги (ОСПнинг 17.04.1998 йилдаги 12-сон қарори 40-1-б.).

Шу тариқа, ходим қачон ва қайси тақдирда пенсия ёшига етганлиги ва пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганлиги аҳамият касб этмайди. Ушбу икита шарт мавжуд бўлса, иш берувчи исталган вақтда меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир.

Бундай сабабга кўра иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилганда ходимга куйидаги тўловларни тўлаши шарт:

➢ ҳақиқатда ишланган кунлар учун иш ҳақи, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинган кун ҳам ҳисобга киритилади;

➢ фойдаланилмаган таътиллار учун пуллик компенсация тўлаш (фойдала-

нилмаган таътиллар мавжуд бўлганда) (МК 151-м.);

➢ меҳнат шартномаси бекор қилинганда қорхонанинг локал ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча тўловлар;

➢ огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши (томонлар ўртасидаги келишувга биноан) (МК 102-м.);

➢ ишдан бўшатиш нафақаси (МК 109-м.);

➢ муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда, бундай шартномада мавжуд бўлганда неустойка тўлаш (МК 104-м.).

Пенсионерларни ишдан бўшатишда иш қидирилаётган даврда иккинчи ва учинчи ой учун иш ҳақи сақланиб қолиниши назарда тутилмаган (МК 67-м.).

Пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган ходим таътилда бўлган даврда, шу жумладан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги туфайли меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди (МК 100-м. 3-қ.).

Жамoa шартномасида ёки жамoa битимида ушбу асос бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш учун олдиндан касба уюшмасининг ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розилик олиниши лозим. Акс ҳолда ходим пенсия ёшига тўлганлиги ва давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлганлиги сабабли у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ноқонуний деб эътироф этилади.

Валерия Ляндрес,
кадрлар хизмати ходими.



Донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва дават сақлаши соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисослаштирилган тиббиёт муассасалари амалга оширади («Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонун). Шу боис қон топшириш тўғрисидаги ҳужжат хусусий тиббиёт муассасалари томонидан тақдим этилиши мумкин эмас.

Тасдиқловчи ҳужжатлар

Тиббий текширув ёки донордан қон олингандан кейин унга куйидагилар берилади:

1) тиббий текширув тўғрисида маълумотнома.

Тиббий текширув натижаларига биноан, шунингдек техник сабабларга кўра муолажа ўтказиш имконияти бўлмаганда ҳам донор жалб қилинган вақти кўрсатилган ҳолда у текширувдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома олади.

Бундай маълумотнома ходимни ҳатто пировардида қандайдир сабаб билан қон топшириш амалга оширилмаган тақдирда ҳам тиббий текширувдан ўтиш кунни ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш учун асос ҳисобланади. Бироқ бу ҳолда қўшимча дам олиш кунни тақдим этилмайди, сабаби МКнинг 167-моддаси иш берувчига фақат қон топшириш кунидан кейин дам олиш кунни тақдим этиш мажбуриятини юклайди;

2) қон топшириш тўғрисида маълумотнома — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26.06.2006 йилдаги 287-сон

буйруғи билан тасдиқланган 402-шақл бўйича.

Шуни қайд этиш кераки, ходим тиббий текширувдан ўтиш ва қон топшириш нияти ҳақида иш берувчини ариза бериш йўли билан хабардор қилиши керак («Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 15-м.). Қандай шаклда эканлиги — аниқлаштирилмайди, шу боис оғзаки каби ёзма ёки электрон шаклдан фойдаланиш мумкин.

Иш берувчи бундай ариза асосида тегишли кунда ходимни ишдан монеликсиз қўйиб юбориши шарт. Бироқ истиснолар ҳам мавжуд...

Ходимнинг иш жойида бўлмаслиги куйидагиларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда ходимнинг илтимосини рад этиш мумкин:

➢ одамлар ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдиришига;

➢ давлат мудофааси, хавфсизлиги ва жамoa тартибини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар бажарилмаслигига;

➢ бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар.

Ходимни ишдан озод этиш учун буйруқ чиқарилиши лозим.

2021 ЙИЛГИ ИШ ВАҚТИ БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КАЛЕНДАРИ

1 ЧОРАК	Январь							5 кунлик Иш кунлари Иш соатлари	6 кунлик 24 160	36 соатлик 24 144
	ҳафта	д	с	ч	п	ж	ш			
1	1					1	2	3		
2	4	5	6	7	8	9	10			
3	11	12	13	14	15	16	17			
4	18	19	20	21	22	23	23			
5	25	26	27	28	29	30	31			

2 ЧОРАК	Февраль							5 кунлик Иш кунлари Иш соатлари	6 кунлик 24 160	36 соатлик 24 144
	ҳафта	д	с	ч	п	ж	ш			
6	1	2	3	4	5	6	7			
7	8	9	10	11	12	13	14			
8	15	16	17	18	19	20	21			
9	22	23	24	25	26	27	28			

3 ЧОРАК	Март							5 кунлик Иш кунлари Иш соатлари	6 кунлик 24 162	36 соатлик 24 144
	ҳафта	д	с	ч	п	ж	ш			
10	1	2	3	4	5	6	7			
11	8	9	10	11	12	13	14			
12	15	16	17	18	19	20	21			
13	22	23	24	25	26	27	28			
14	29	30	31							

4 ЧОРАК	Апрель							5 кунлик Иш кунлари Иш соатлари	6 кунлик 26 174	36 соатлик 26 156
	ҳафта	д	с	ч	п	ж	ш			
15	1	2	3	4	5	6	7			
16	12	13	14	15	16	17	18			
17	19	20	21	22	23	24	25			
18	26	27	28	29	30					

1 ЧОРАК	Май							5 кунлик Иш кунлари Иш соатлари	6 кунлик 25 163	36 соатлик 25 148
	ҳафта	д	с	ч	п	ж	ш			
19	3	4	5	6	7	8*	9			
20	10	11	12*	13	14	15	16			
21	17	18	19	20	21	22	23			
22	24	25	26	27	28	29	30			
23	31									

2 ЧОРАК	Июнь							5 кунлик Иш кунлари Иш соатлари	6 кунлик 26 174	36 соатлик 26 156
	ҳафта	д	с	ч	п	ж	ш			
24	1	2	3	4	5	6	7			
25	14	15	16	17	18	19	20			
26	21	22	23	24	25	26	27			
27	28	29	30							

3 ЧОРАК	Июль							5 кунлик Иш кунлари Иш соатлари	6 кунлик 26 171	36 соатлик 26 155
	ҳафта	д	с	ч	п	ж	ш			
28	5	6	7	8	9	10	11			
29	12	13	14	15	16	17	18			
30	19*	20	21	22	23	24	25			
31	26	27	28	29	30	31				

4 ЧОРАК	Август							5 кунлик Иш кунлари Иш соатлари	6 кунлик 26 173	36 соатлик 26 155
	ҳафта	д	с	ч	п	ж	ш			
32	2	3	4	5	6	7	8			
33	9	10	11	12	13	14	15			
34	16	17	18	19	20	21	22			
35	23	24	25	26	27	28	29			
36	30	31*								

1 ЧОРАК	Сентябрь							5 кунлик Иш кунлари Иш соатлари	6 кунлик 22 151	36 соатлик 22 131
	ҳафта	д	с	ч	п	ж	ш			
37	6	7	8	9	10	11	12			
38	13	14	15	16	17	18	19			
39	20	21	22	23	24	25	26			
40	27	28	29	30*						

2 ЧОРАК	Октябрь							5 кунлик Иш кунлари Иш соатлари	6 кунлик 25 165	36 соатлик 25 150
	ҳафта	д	с	ч	п	ж	ш			
41	4	5	6	7	8	9	10			
42	11	12	13	14	15	16	17			
43	18	19	20	21	22	23	24			
44	25	26	27	28	29	30	31			

3 ЧОРАК	Ноябрь							5 кунлик Иш кунлари Иш соатлари	6 кунлик 26 174	36 соатлик 26 156
	ҳафта	д	с	ч	п	ж	ш			
45	1	2	3	4	5	6	7			
46	8	9	10	11	12	13	14			
47	15	16	17	18	19	20	21			
48	22	23	24	25	26	27	28			
49	29	30								

4 ЧОРАК	Декабрь							5 кунлик Иш кунлари Иш соатлари	6 кунлик 26 172	36 соатлик 26 154
	ҳафта	д	с	ч	п	ж	ш			
50	6	7*	8	9	10	11	12			
51	13	14	15	16	17	18	19			
52	20	21	22	23	24	25	26			
53	27	28	29	30	31*					

2021 ЙИЛГИ ИШ ВАҚТИ БАЛАНСИ							
	1-чорак	2-чорак	1-ярим йиллик	3-чорак	9 ой	4-чорак	Йил
5 кунлик иш ҳафтасида							
иш кунлари	62	64	126	62	188	64	252
соатлари	496	511	1 007	493	1 500	510	2 010
6 кунлик иш ҳафтасида							
иш кунлари	72	77	149	74	223	77	300
соатлари	482	511	993	491	1 484	511	1 995
36 соатлик иш ҳафтасида							
иш кунлари	72	77	149	74	223	77	300
соатлари	432	460	892	441	1 333	460	1 793

Ишланмайдиган байрам кунлари	сана
Янги йил	01.01.2021
Хотин-қизлар куни	08.03.2021
Наврўз байрами	21.03.2021
Хотира ва қадрлаш куни	09.05.2021
Рўза ҳайити биринчи куни (тахминий)	13.05.2021
Қурбон ҳайити биринчи куни (тахминий)	20.07.2021
Мустақиллик куни	01.09.2021
Ўқитувчи ва мураббийлар куни	01.10.2021
Конституция куни	08.12.2021

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6122-сон Фармонида мувофиқ **қўшимча ишланмайдиган кунлар** қуйидагича белгиланган: барча ходимлар учун – 2 сентябрь (пайшанба), 3 сентябрь (жума); 6 кунлик иш вақтида банд бўлган ходимлар учун – 2 январь; 20 март; 4 сентябрь ва 22 март (кўчирилган дам олиш куни).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6122-сон Фармонида мувофиқ **дам олиш кунлари** қуйидагича кўчирилган: 27 март (шанба) – 22 мартга (душанба).

Изох: (*) белгиси кўйилган саналарда иш вақти 1 соатга қисқартирилган

Рангли белгилар: – байрам куни

– умумий қўшимча ишланмайдиган кун
 – 6 кунлик иш ҳафтасида қўшимча ишланмайдиган кун
 – дам олиш куни кўчирилади

Ўтган йиллар билан солиштирилганда 2021 йилда ўзбекистонликларда фақат битта кўчирилган дам олиш куни бўлади, (ҳафтада 5 кун ишлайдиганлар учун) – 22 март. У 27 март шанба куни ишлаб берилиши лозим.

Саналари яқин календарь дам олиш кунларига тўғри келадиган байрамлар учун қўшимча дам олиш кунлари назарда тутилган, уларни ишлаб беришга тўғри келмайди. Эътиборли жиҳати шундаки – «олти кунлик» режимда ишлайдиганлар учун ҳам улар ишланмайдиган (дам олиш) кунлари бўлади. «Олти кунлик»лар учун яқин шанба ҳам қўшимча дам олиш куни бўлади.

Шу тариқа, ўзбекистонликларга байрам кунлари оила даврасида асосли дам олиш учун имконият тақдим этилди:

Янги йил - 1 январдан 3 январга қадар иш ҳафтаси режимидан қатъи назар дам олинади; **Наврўз байрами** – 20 мартдан 22 мартга қадар дам олинади («беш кунлик»лар битта иш шанбасини ишлаб беришларига тўғри келади - 27 март);

Мустақиллик куни - 1 сентябрдан 5 сентябрга қадар иш ҳафтаси режимидан қатъи назар дам олинади;

Хотин-қизлар куни, 8 март – календарь буйича ўзгаришларсиз дам олинади («беш кунлик»лар – 6 мартдан 8 мартга қадар; «олти кунлик»лар – 7 ва 8 мартда);

Хотира ва қадрлаш куни – 9 май 2021 йилда яқиндан тўғри келади;

Рўза ҳайитининг биринчи куни, тахминан 13 май пайшанбага тўғри келади. Қўшимча дам олиш кунлари ва кўчирилган назарда тутилмаган;

Қурбон ҳайитининг биринчи куни, тахминан 20 июль сешанбага тўғри келади. Қўшимча дам олиш кунлари ва кўчирилган назарда тутилмаган;

Ўқитувчи ва мураббийлар куни, 1 октябрь жума кунига тўғри келади. Қўшимча дам олиш

кунлари ва кўчирилган назарда тутилмаган. Мазкур ҳолда «беш кунлик»лар 1 октябрдан 3 октябрга қадар дам олишда, «олти кунлик»лар 2 октябрни ишлаб беришда;

Конституция куни - 8 декабрь чоршанбага тўғри келади. Қўшимча дам олиш кунлари ва кўчирилган назарда тутилмаган.

Шунингдек, тақвим барча турдаги иш ҳафтасига эга муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар учун келгуси йилга иш вақти балансини белгилайди, унга иш графикларини тузишда ва иш ҳақи буйича ҳисоб-китобларда, иш вақтидан ташқари ишларга ҳақ тўлашда риоя қилиши зарур.

Фармон ташкилотларда 2021 йил учун таътиллار графикни режалаштириш ва тасдиқлашга ёрдам беради, бунда иш берувчи ва ходимлар уларнинг энг мақбул ва қулай муддатларини ўйлаб кўришлари мумкин.

Бюджет ташкилотларида қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини 2 иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади. «Таътил пули»ни аниқлашда ҳар йиллик меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга қўшимча дам олиш кунлари қўшилади. Ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобига олинган ҳолда 15 иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Хусусий ташкилотларда Фармонда назарда тутилган қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари ёки иш берувчилар томонидан касабга ушшоми қўмиталари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади.

Валерия Ляндрес,
«Ноппа» МЧЖнинг кадрлар масалалари буйича эксперти.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланади

Тадбиркорларга автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган воситаларни ўрнатишга рухсат берилади.

Бу Президентнинг «Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди (7.12.2020 йилдаги ПҚ-4913-сон) назарда тутилган.

Хужжатга мувофиқ йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида 2021 йил 1 мартдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган фото ва видео дастурий-техник воситалари ўрнатилишини ташкил этиш ҳуқуқи берилади.

Ушбу воситалар ўрнатиладиган жойларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш электрон аукцион савдолари орқали амалга оширилади.

Электрон аукцион савдоларида қолиб бўлган тадбиркорлик субъектларига воситалар ўрнатиладиган жойлар чекланмаган муддатга ва бошқа тадбиркорлик субъектига ўтказиш ҳуқуқи билан бириктирилади.

Бундан келиб чиққан ҳолда 2021–2022 йилларда республика бўйича 3 356 та интеллектуал видеокамера ва 763 та стационар радар ўрнатилади.

БИЗГА ЁЗГАН ЭКАНСИЗ

Кабинадан чиқишини сўрайман

Қандай ҳолатларда ЙПХ инспектори ҳайдовчи ёки йўловчилардан транспорт воситаси кабинасидан чиқишини талаб қилиши мумкин?

– Куйидаги ҳолларда ЙПХ ходими ҳайдовчи ёки йўловчилардан транспорт воситаси кабинасидан чиқишини талаб қилишга ҳақли:

- > транспорт воситасидаги техник носозликни ва юк ташиш қоидаси бузилганлигини бартараф этиш мақсадида;
- > ҳайдовчи транспорт воситасини маст ҳолда бошқараётган деб ҳисоблашга ётарли асослар мавжуд бўлганда;
- > транспорт воситасининг дивигель ва агрегат қисмлари рақамларини рўйхатлаш ҳужжатларида ёзилган рақамлар билан фарқ аниқланган тақдирда бевосита ҳайдовчи иштирокида солиштириш мақсадида;
- > транспорт воситасига тегишли ҳужжатлар ёки унда олиб кетилаётган юк ҳужжатлари мавжудлигини текши-

риш зарурати юзага келганда;

- > ҳайдовчи ёки йўловчи жиноят содир этганлиқда гумон қилинаётганда;
- > ҳайдовчининг транспорт воситаси кабинасида бўлиши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга таҳдид солиши мумкин бўлган ҳолларда (ҳайдовчининг руҳий ҳолатига, ёшига, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори воситалари таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида, транспорт воситасини бошқара олишига шубҳа бўлганда).

Жисмоний нуқсон сабабли ҳайдовчининг транспорт воситаси кабинасидан чиқиш имконияти чекланган ҳолатлар бундан мустасно (ВМнинг 1.12.2018 йилдаги 975-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 13-б.).

Дислокацияга мувофиқ

ЙПХ ходимлари йўл қисмида ўз хоҳишига кўра радар билан туришга ҳақлими?

– Йўқ, бунга ҳақли эмас. Кўчма фото-радар ва мобиль комплексларни қўллаш жойи ва вақти ДЙХХХ саф бўлими (бўлим-маси) бошлиғи томонидан тасдиқланган дислокацияга мувофиқ белгиланади. Сизни қондабузарлик кўчма фото-

радар ва мобиль комплексларни қўллаш орқали аниқланганда тўхтатишган бўлса, ЙПХ ходими дислокациясининг кўчирмаси билан шу жойнинг ўзида таъинишингиз ёки ёзма маълумот олишингиз мумкин (Низомнинг 32-б.).

Маълумот учун!

ЙПХ ходими ўз хизмат вазифаларини махсус аудио ва видео қайд этиш қурилмалари билан жиҳозланган транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда, ички ишлар вазирлиғи томонидан белгиланган экипировкада ОШКОРА УСУЛДА АМАЛГА ОШИРАДИ.

Ўзбекистонда 2021 йил 1 апрелдан бошлаб хусусий тадбиркорларга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш ҳуқуқи берилади.

Ҳайдовчи учун сертификат

Бу Президентнинг «Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди (7.12.2020 йилдаги ПҚ-4913-сон) назарда тутилган.

Хужжатга мувофиқ 2021 йил 1 апрелдан бошлаб автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолияти учун лицензияга эга тадбиркорлик субъектларига барча тоифадаги автоматотранспорт воситаларини (троллейбус ва трамвайдан ташқари) бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш ҳуқуқи берилади. Бундан:

> имтиҳонлар инсон омилсиз, тў-

лиқ автоматлаштирилган ҳолда ўтказилади ва баҳоланади;

> имтиҳонлар ДЙХХХ вакилининг бевосита ёки онлайн назорати остида ўтказилади;

> имтиҳонларни ўтказиш бўйича хизматлар учун тўловлар миқдори тадбиркорлик субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади ҳамда келиб тушадиган маблағлар тўлиқ ҳажмда унинг тасарруфида қолади;

> имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун асос бўладиган махсус ҳимояланган сертификатлар берилади;

> сертификатларнинг барча зарур реквизитлари тадбиркорлик субъекти томонидан давлат хизматлари марказлари ва ички ишлар органларига автоматлаштирилган ҳолда тақдим этилади.

Йўллардаги камералар

Тошкент шаҳрида транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасининг бош режасини тузиш ишлари олиб борилмоқда, режада пойтахт йўлларидаги йўловчилар ва транспорт воситалари оқимини ўрганиб чиқиш назарда тутилган.

Шу муносабат билан ходимлар томонидан йирик чорраҳаларда транспорт воситаларини санаш ишлари олиб борилмоқда, шунингдек йўловчилар сони қайд этилмоқда. Тошкент транспорт бошқармаси бунинг учун портатив камералардан фойдаланилаётганлигини маълум қилди.

Таъкидланишича, ушбу тадқиқотда фойдаланилаётган камералар йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатларини қайд этишга мўлжалланмаган. Шу боис Бошқармадагилар пойтахт йўлларида ўтказилаётган тадқиқот ишларини тўғри тушунишни ҳамда Интернетда бу ҳақда тарқалган ёлгон маълумотларга ишонмасликни илтимос қиладилар.

ХОРИЖДА ҚАНДАЙ

Полициячиларга ҳайдовчилар томонидан маст ҳолда бошқарилган машиналарни очишга рухсат берилади

РФ Давлат думасида полициячиларнинг ваколатларини кенгайтиришга доир қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

Бу ғоя ҳукумат томонидан 2020 йил апрелдан буён кўриб чиқилмоқда. Лойиҳа қабул қилинса, полициячиларга одамлар ҳаётини сақлаб қолиш ёки жиноятчиларни ушлаш, оммавий тартибсизликлар чоғида хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, факултатив вазиетларда ҳамда теракт таҳдидида автомобиль эшикларини очишга рухсат этилади.

Гумон қилинувчи шахс маст ҳолатда автомобилда ўтирганда ҳам полиция ушбу ваколатдан фойдаланиши мумкинлиги маълум қилинади. Автомо-

билни очиш учун яна бир сабаб – бу автомобилни ёки ундаги юкни кўздан кечириш (у ерда фуқаровий муомаладан чиқарилган буюмлар махсус рухсатномасиз олиб кетиляпти деб гумон қилинган ҳолатларда).

Автомобиль эгасини содир этилган ҳолат ҳақида бир сутка мобайнида хабардор қилиш лозим. Бундан полиция ходими транспорт воситасини очишда етказилган зарар учун, агар бу қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилган бўлса, жавобгар бўлмайди.

«АвтоНорма» бўлимини Алла Ромашко олиб боради.

<p>Иқтисодий-ҳуқуқий газета</p> <p>НОРМА МАСЛАХАТЧИ</p> <p>ХУҚУҚ СОЛИКЛАР БУХГАЛТЕРИЯ</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 100105, Тошкент ш. Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, Тахририят тел. (71) 200-00-90 Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30 E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; Рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефони рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
<p>Газета ношир – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи – 18Б. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма таъбоқ. Баҳоиси келишилган нарҳда. Буюртма r-1222. Адади 540. Газета 2020 йил 21 декабрь соати 16.00 да топширилди.</p>				
<p>Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида басилди, манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41. 12 466 ISSN 2010-5223</p>				